Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 23 апрель

ЦЗЯН Янь,
ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

# «ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН «БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»НИНГ БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТИЛИШИ ТОБОРА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА»

1 «Бир макон, бир йўл»нинг биргаликда бунёд этилиши натижасида Хитой ва Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёти тобора фаровонлашиб боряпти. «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» автомобиль йўлининг ишга туширилиши трансчегаравий транспорт самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Ўзбек моши ва ширин гилоси биринчи марта хитойлик истеъмолчиларга етказилди. Хитойдаги кўплаб оилалар ва хонадонлар тўққиз йилдан бери барқарор фаолият юритаётган Хитой — Марказий Осиё газ қувури орқали Ўзбекистон табиий газидан фойдаланяпти. Кўплаб ўзбекистонликлар Конфуций институтида таҳсил олиш истагида. Ёки аксинча, хитойлик ёшларда Пекин хорижий тиллар университети, Марказий халқлар университети ва Шанхай хорижий тиллар университетида «ўзбек тили» мутахассислиги бўйича ўқиш хоҳиши тобора ошиб боряпти. Ўзбек томошабинлари Хитой томонидан ташкил этилаётган концертлар, кинофестиваллар, Янги йил муносабати билан уюштирилаётган тадбирлар, шунингдек, Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ушбу давлат делегацияси иштирокини қизиқиш ва ҳайрат билан кутиб олмоқда. Пекин — Тошкент, Урумчи — Тошкент авиақатновларига талаб юқори бўлиб турибди. Умуман, бу каби мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин.

Жорий йилнинг 8 мартида бўлиб ўтган Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг 13-чақириқ иккинчи сессиясида Давлат кенгаши аъзоси — ташқи ишлар вазири Ван И «Бир макон, бир йўл» доирасида бунёд этилган Қамчиқ туннелини алоҳида қайд этиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, Хитой ва Ўзбекистон ишчиларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли 900 кун мобайнида 19 километрдан зиёдроқ узунликдаги туннел қурилди. Бу «Бир макон, бир йўл» ташаббусининг ҳаётий ифодаларидан биридир.

Ушбу янгиланишлар замирида давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик тобора кучайиб бораётганини яққол кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда — аэропортлардан бошлаб, кўчалар, музейлар ёки диққатга сазовор жойларда Буюк Ипак йўли тасвири туширилган хариталар мавжуд. Уларда акс эттирилган йўллар Сиан ва Лояндан бошланиб, Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари, Ғарб ва Жанубгача борган. Ушбу йўналишларга диққат билан разм солсангиз, худди мингйиллик карвонларнинг товуши қулоққа эшитилгандек бўлади. Кўп асрлик алоқалар билан боғлиқ тушунчаларимиз Наврўз кунларида ҳам янада ёрқин акс этади. Мисол учун, бундан бир ой олдин кенг нишонланган мазкур байрам Сирдарё вилоятидаги «Хитой — Ўзбекистон дўстлик боғи»да ўзгача шукуҳга эга бўлди. Бу масканда баҳор айёмини беш мингдан зиёд маҳаллий аҳоли тантанали ва қувноқ тарзда нишонлади.

Хитой ва Ўзбекистон томонидан «Бир макон, бир йўл» ташаббусини амалга ошириш борасидаги улкан саъй-ҳаракатлар замирида очиқлик, бағрикенглик ва муваффақиятга эришиш ғояси мужассам. Бу жиҳатлар икки мамлакатга сезиларли даражада фойда келтириб, халқларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланяпти.

Келажакка назар солиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболига юксак ишонч билдирамиз. Ўтган йилдан буён Ўзбекистоннинг ўнта вилоятига ташриф буюришга улгурдим. Қаерга бормай, ҳар жойда маҳаллий халқ вакилларининг меҳмондўстлиги, эзгулик улашишга интилиши, Хитойга нисбатан хайрихоҳлигини ҳис этиб турдим. Вилоят ҳокимликларидан тортиб, оддий одамларгача Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг ривожланишига катта эътибор бермоқда. Чиндан ҳам Ўзбекистон хорижий давлатлар билан ташқи алоқаларини изчил жадаллаштиряпти. Бу эса одамларнинг дунёқарашини кенгайтиряпти, пировардида Хитойга нисбатан эзгу тушунчалар янада мустаҳкамланмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон жамоатчилиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро форуми тадбирларидаги иштирокига катта қизиқиш билан қараяпти. Чунки ушбу анжуман ўзаро мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига янги мазмун бахш этади.

Ўзбек халқида шундай мақол бор: "Бодом пўсти билан, одам дўсти билан". Бизнинг мамлакатларимиз — айнан шундай яхши дўстлар ва ишончли ҳамкорлардир. Ишончим комилки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи муваффақиятларга бой бўлади, истиқболда эса халқларимиз манфаати учун икки томонлама алоқаларнинг янада ривожланишига туртки беради.

**«Халқ сўзи».**

# Абадий дўст, ишончли ва стратегик шерик

*Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўзлаган нутқида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, парламентлараро алоқалар билан бирга, ижтимоий-сиёсий, илмий ва инновацион ҳамкорликнинг янги уфқлари хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Олий Мажлис юқори ва қуйи палатаси вакиллари бу борада ўз мулоҳазаларини билдиришди.*

## Муносабат

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:**

— Корея Республикаси билан инновация соҳасида самарали муносабатларни ўрнатиш ўта муҳим.

Ҳамкорлик доирасида қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбалари, соғлиқни сақлаш, физика-кимё, ахборот-коммуникация технологиялари, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу ўзбек олимларининг илмий тадқиқот ишларига Жанубий Корея инвестицияларини жалб этиш, мавжуд илмий лабораторияларнинг асбоб-ускуналари ва материалларидан фойдаланиш, шунингдек, халқаро илмий журналларида мақолаларини чоп этишга ҳам хизмат қилади. Президент Мун Чжэ Ин парламентимиздаги нутқида буни алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзаро ҳамкорлик доирасида нафақат юқори технологиялар, қўшма лойиҳалар, балки илм-фан йўналишидаги ҳамкорлик ҳам янада кучайтирилади. Биз бу жараёнларнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро келишувларнинг амалий ижроси устидан самарали парламент назоратини олиб боришга масъулмиз.

**Нигора РАББИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қиляпти.

Унга кўра, парламентлараро алоқалар, ҳукуматлар, вазирлик ва идораларнинг делегациялар алмашувлари фаоллашди, ташқи сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали тус олди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг парламент аъзоларига берган маълумотларига қараганда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро манфаатли йўналишларни топиш мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувлар фаол давом эттирилади. Бу жараён бизнинг зиммамизга ҳам жуда катта масъулият юклайди. Аввало, парламентларимиз ўртасидаги мулоқотларни янада кучайтириш, манфаатли алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилувчи янги йўналишларни ривожлантириш шулар жумласидандир.

**Бахтиёр УМАРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ўзбекистонда Жанубий кореялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 660 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси фаолияти тўлиқ хорижий сармоя ҳисобидан йўлга қўйилган. Бу икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик равнақ топиб бораётганидан дарак беради.

Корея Республикаси Президенти ўз нутқида Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак эътироф этди.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика, нефть-газ, кимё, кончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар ҳам назарда тутилган.

Мазкур соҳалардаги янги имкониятлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилади. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш, инновацион ва ижтимоий соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашни давом эттиришга келишиб олинди.

**Энахон СИДИҚОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Муҳими, ҳар иккала давлат ўз қаршисида ишончли шерик, ҳамкор ва дўстни кўра оляпти. Бу давлат ташрифи доирасида ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, бизнес доира вакиллари муносабатлари мисолида ҳам яққол ифодасини топди.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 180 минг нафардан зиёд корейс миллатига мансуб юртдошларимизга яратилган шароитлар мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Президентлар иштирокида Корейс маданияти ва санъати уйининг тантанали равишда очилиши ҳам ўзаро муносабатларнинг кучайишида муҳим ўрин тутади.

Умуман айтганда, илдизи тарихимизга бориб туташган дўстлик алоқалари бугун стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Уларни янада мустаҳкамлашдан бирдек манфаатдормиз.

**Шухрат ЯКУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон учун Жанубий Кореядек ривожланган давлат билан ҳамкорликни кучайтириш ҳар томонлама фойдалидир. Ушбу мамлакат билан автомобилсозлик соҳасида бундан бир неча йиллар аввал амалга оширилган ҳамкорлик қандай ижобий натижалар берганини кўриш учун кўчаларимизда ҳаракатланаётган автомобиллар карвонини кузатишнинг ўзи кифоя.

Шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, таълим, туризм каби муҳим йўналишлардаги келишувлар мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни тараққиёт талаблари асосида ривожлантириш, бу тармоқларга ҳам инновацион ёндашувларни кенг жорий этишга имкон яратади.

Яна бир муҳим масалага эътибор бериш лозимки, мазкур ҳамкорлик давлат бошқарувидаги роли ва ташаббускорлиги, қўшни ва чегарадош мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашдаги қатъияти ўхшаш бўлган давлатлар раҳбарлари томонидан амалга оширилмоқда. Бу, аввало, тинчлик, дўстлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби жуда улуғ мақсадларни кўзлаган ва замирида бутун дунё, халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим бўлган эзгу ғоялар ва ташаббуслар мужассам.

Фикримизча, мазкур серқирра дўстлик алоқалари парламентлар доирасида ҳам, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам янада кенгайтирилиши зарур. Зеро, бу каби улкан ютуқлар замирида мукаммал қонунлар ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туради.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



*Бугунги кунда мамлакатимизда 7104 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 5667 таси давлат секторига тегишли. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари сони эса 1437 тага етди. Болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси 27,7 фоиздан 37,7 фоизга ошган. Йил охиригача ушбу кўрсаткични 45 фоизгача етказиш кўзда тутилган.*

# Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш ҳолати қандай?

2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш дастури доирасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш борасида муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 268 та объект фойдаланишга топширилган.

Мактабгача таълим вазири А. Шиннинг мамлакатимизда 3 — 7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишда давлат ва нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан берган ахборотида ана шу рақамлар келтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур эшитувда юртимизда ушбу соҳани янада тараққий топтириш, фарзандларимиз учун барча шароитни яратиш йўлида тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Ўз навбатида, болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси баъзи ҳудудларда пастлигича қолаётганига эътибор қаратилди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 10 — 12 фоизни ташкил қилади, холос.

Мактабгача таълим вазири ўғил-қизларни боғчаларга қамраб олишда давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш борасида вазирлик томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. Давлат-хусусий шериклик битимлари бўйича олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан аниқ мисоллар келтирилди.

А. Шиннинг сўзларига кўра, "Мактабгача таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда 2030 йилгача мактабгача таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқиш жараёнида. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Эшитув якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Кун воқеалари
### қисқа сатрларда

*Андижон шаҳридаги Бобур номидаги майдонда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида "Жамиятимиздаги ҳар бир аёл — эътиборимизда" мавзуида анжуман ўтказилди.*

*"Тошкент баҳори" V халқаро опера ва балет санъати фестивали доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Жузеппе Вердининг "Аида" операси намойиш қилинди.*

*Пойтахтимизда пластик хирургиянинг долзарб масалаларига бағишланган "Воҳидов ўқишлари — 2019" XXIV республика илмий-амалий анжумани ташкил қилинди.*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси делегацияси Истанбул шаҳрида "Сулаймония" кутубхонаси раҳбарияти билан учрашди. Музокаралар натижасида ушбу кутубхона билан Мовароуннаҳр уламолари ижодига мансуб қўлёзмаларнинг каталогини яратишда ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришди.*

*Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети ректори Сонг Жу Хо бошчилигидаги делегация Тошкент давлат стоматология институтида докторантлар, магистрлар, клиникалар ва талабалар учун маърузалар ўқиди. Шунингдек, ректор институт ходимлари ва талабалари билан биргаликда бир нечта операциялар ўтказди.*

# Аёл бахтли бўлса, юрт фаровон бўлади

## Бухоро хотин-қизлар масалалари бўйича энг намунали ҳудудга айланади.

1 — Икки фарзандим бор, — дейди ўзини Сурайё Ғаниева дея таништирган аёл. — Бири туғма ногиронлиги бор. Узоқ вақт давомида ота-онам, укам ва унинг оиласи билан бир ҳовлида яшадик. Ноқулай эди. Ўз уйим бўлармикан, деб орзу қилардим. "Яхши ният — ярим давлат", деганларича бор экан. Мақсадимга етдим. Бизга Когон туманининг "Беглар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардан бири ажратилди. Бошланғич бадали эса Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тўланди. Энди болаларим эртасидан кўнглим тўқ. Уларни шундай бағрикенг юртимизга муносиб фарзанд қилиб тарбиялашни ўз бурчим, деб биламан.

Бухоро туманида яшовчи меҳнат фахрийси Ражабой Азимова ҳам бир ташвиши енгиллашганидан хурсанд.

— Шароит йўқлигидан келиним невараларим билан ижарама-ижара яшаб юрарди, — дейди онахон. — "Қачон буларнинг ўз уйи бўларкин?!", деб кўп ташвиш чекардим. Буни қарангки, Президентимизнинг топшириғига кўра, Работак қишлоғида арзон уй-жойлар қуриладиган бўлди. Икки қаватли шу уйлардан бири бизга насиб этди. Шинам, замонавий. Невараларимнинг ўз уйларида чопқиллаб юришганини кўрганимда, беҳад қувонаман.

### «Ишни қишлоғимдан топдим»

Вилоятнинг энг чекка гўшаларидан бири — Олот туманидаги Арабхона маҳалласида яшовчи Гулноза Бердиева учун қишлоқда тикувчилик корхонаси очилгани айни муддао бўлди.

— Ўзимга мос иш дараги топилармикан, деб туман марказига кўп бор қатнадим, — дейди вилоят Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аниқланган ишсизлар рўйхатида бўлган Гулноза. — Буни қарангки, қишлоғимизда замонавий тикувчилик корхонаси очилди. Шу ерга ишга кирдим. Рўзғорга нафим тегаётганидан хурсандман. "Шерзод Отамуродов равнақи" деб номланган оилавий корхонада менга ўхшаган 30 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. 20 киши эса касаначилик усулида ишламоқда.

Ўтган йили нафақат Олот, балки Когон шаҳри, Жондор, Шофиркон туманларида жами 200 иш ўрнига эга шундай корхоналар очилган, бундан ташқари 211 кичик цех ташкил этилиб, 2 минг 300 дан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган эди. Жорий йилда Сирдарё вилояти тажрибаси асосида фаолияти йўлга қўйиладиган 11 тикувчилик цехи ишга тушади. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади. 3 минг 606 нафар хотин-қиз "Устоз — шогирд" анъанаси асосида касб-ҳунарга ўргатилади. Бу каби юмушларда Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази алоҳида ўрин тутади. Тадбиркорлик, ҳунармандчилик, оилавий ишбилармонликни ривожлантириш учун 6 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

— Президентимизнинг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас, — дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси раҳбари А. Ҳусейнова. — Кузатишлар кўрсатяптики, оилавий низоларнинг аксарияти рўзғордаги етишмовчиликлар туфайли рўй бермоқда. Демак, аёлларни иш билан таъминлаш — ўта муҳим масала. Негаки, фойдали ижтимоий меҳнат билан машғул аёлнинг рўзғоридан, болаларининг эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Оиласида соғлом муҳит ҳукм суради. Турмуш ўртоғи билан бирга топаётган даромади ортидан орзу-ҳавасларига эришади. Энг муҳими, тинч ва фаровон ҳаёт кечиради.

### Давлатимиз оила тақдирига бефарқ эмас

Оилавий можародан кейин Моҳигул ота уйига кетиб қолди. Аммо онанинг кўнгли болада, деганлари рост экан. Болаларини ўйлаб, ҳаловатини баттар йўқотди. "Қизим энди бахтсиз, болалари тирик етим бўлиб қоладими?", деган ўйлар гирдобига тушган онаизорни айтмайсизми?

— Аччиқ устида маҳаллага бориб, "Турмуш ўртоғим билан жанжаллашдик. Ҳозир ота-онамникида яшаяпман. Ажрашаман. Болаларимни эримдан олишга ёрдамлашинг", деб айтганман, — дейди у. — Ёшлик қилганман-да. Ҳар сафар маҳалла биноси олдидан ўтганимда хижолат чекаман. Туман хотин-қизлар қўмитаси раисига дуч келиб қолганимда ер ёрилса, киргудек бўлиб кетаман.

Хайриятки, эл-юрт, давлатимиз оила тақдирига бефарқ эмас. Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари болаларни онага қайтариш билан иш битиб қоладими, деган саволни ўртага ташладилар. Оилавий низо сабаблари атрофлича ўрганилди. Ўртадаги тушунмовчиликлар бартараф этилди. Моҳигул оиласига қайтди. Ишга ҳам жойлашди.



Вилоятда ўтган йилда ажралиш ёқасига келиб қолган худди шундай 1884 та оиланинг 1415 таси яраштирилди. Жорий йилда эса нотинч оилалар билан ишлаш механизми яратилди. Унга кўра, 410 та нотинч, 412 та ажрим ёқасига келиб қолган, шунингдек, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бўлган оилалар алоҳида назоратга олинди. Ўндан зиёд давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аниқ ишлар олиб борилипти. Жойлардаги Аёллар ижтимоий мослашув марказлари эса мушкул вазиятга тушиб қолган уч юздан зиёд хотин-қизлар ва болаларга маънавий-руҳий, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатди.

### Ҳаммаси яхши томонга ўзгаради

Турмуши бузилган, қўлида касбу кори бўлмаган Назокат боши берк кўчага кириб қолди. Тирикчилик важидан фирибгарлик этагидан тутди. Аввал ўзига таниш аёлларни авраб-алдади. Кейин эса "маҳорати" ошди чоғи, чекка ва нотаниш қишлоқларга бориб, содда аёлларни "чув" тушира бошлади. Аммо кўза кунда эмас, кунида синди. Қилмиши фош этилиб, судланди. У судда қилмишидан пушаймон эканини, кўзи энди очилганини айтиб, шафқат қилишларини сўради. Шундай паллада вилоят хотин-қизлар қўмитаси кўмакка келди. Судлар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида тузилган меморандумга кўра, қўмита кафиллиги билан Назокат жазодан озод этилди.

Шундан сўнг унга зарур психологик ёрдам кўрсатилди. Назокат зардўзликни ўрганишга киришди. Бугунги кунда унинг барча иши жойида. Эрта-индин уста-ҳунармандга айланса, ажаб эмас.

Бу каби ишлар самарасиз қолмайди. Маълумотларга қараганда, 2018 йилда вилоятда хотин-қизлар жиноятчилиги 2017 йилдагига нисбатан 266 тага камайган. Лекин бу хотиржамликка ҳам асос бермайди.

— Президентимиз хотин-қизлар жиноятчилиги сақланиб қолаётганини ҳақида тўхталиб, бу ҳолат миллий менталитетимизга ётлигини, бой тарих ва салоҳиятга эга Бухорога бу мутлақо ярашмаслигини таъкидлади, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Ибрагимова. — Вилоятимизни хотин-қизлар билан боғлиқ барча масала бўйича энг намунали ҳудудга айлантириш юзасидан топшириқ бердилар. Буни биз ҳам жуда катта масъулият, ҳам ишонч ўрнида қабул қилдик. Айни дамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олишда тизимли ишларни олиб боряпмиз. Бу юмушлар ўз самарасини беради. Бухоро, албатта, энг намунали ҳудудга айланади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар. залида бўлиб ўтган тасвирий ва амалий санъат фестивалининг очилиш маросимида таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, фотографлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари, ёшлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.*

Фестиваль

# Санъат – мустаҳкам кўприк

Ушбу тадбир миллий тасвирий санъатни янада равнақ топтириш, унинг бетакрор мактаб ва анъаналарини бойитиб бориш, ижодкор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Жумладан, анъанавий фестивалда бу гал ёшларнинг санъат асарлари ва ижодий ишларини кенгроқ намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Санъат ва маданият дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприкдир, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нур. — Шу маънода, мазкур фестивалда хорижлик ижодкорлар ҳам қатнашаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Фестиваль давомида турли тадбирлар, кўргазмалар, тақдимот маросимлари, ижодий танловлар ўтказилади. Ёшлар учун очиқ табиат қўйнида тасвирий санъат, кулоллик, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, либослар дизайни, фотосуратлар, миниатюра санъати ва бошқа йўналишлар бўйича устоз ижодкорлар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилади.



Халқаро фестиваль 27 апрелгача давом этади.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Инновацион ёндашув

# Турмуш қуришга тайёрмисиз?

*Хива туманида ташкил этилган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да рўзғор юритиш, репродуктив саломатлик, мулоқот маданияти, ҳуқуқ каби йўналишларда замонавий технологиялар асосида машғулотлар ўтказилади. Йигит-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчиларига бепул дарслар ташкил этилади.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ишга туширилган инновацион мактаб битирувчилари орасидан келажакда "тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида фаолият юритадиган волонтёр-тренерлар жамоаси шакллантирилади.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# «Агробанк» тадбиркор оилаларни қўллаб-қувватламоқда

*"Қизим Назокатхон — қўлигул чевар. У тиккан болалар либослари, айниқса, байрамларга мўлжалланган кийимлар кўпчиликка маъқул тушяпти. Болажонлар учун айиқполвон, қуёнча ёки шолғомни эслатувчи либосларга буюртма бериш учун қўшни туманлардан ҳам излаб келишади. Кейинги вақтларда буюртмалар кўплигидан қўли қўлига тегмайди. "Агробанк"дан ажратилган 11 миллион сўмдан зиёд маблағ эса бу ишни янада ривожлантиришга туртки берди. Чунки уч йилга берилган мазкур кредит эвазига учта тикув машинаси харид қилиб, янги иш ўрни очдик".*

AGROBANK

Молия муассасаларида

Реклама ўрнида



Бу — Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи Насиба Эркабоеванинг сўзлари.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 28 февраль — 1 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифидан сўнг ҳудудда "Ҳар бир оила — тадбиркор" ҳаракати кенг қулоч ёйди.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси вилоятда, хусусан, Чуст туманида оилалар манфаатдорлигини ошириш, ҳудуд хусусияти ва имкониятидан келиб чиқиб, янги корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, бунёдкорликнинг барча йўналишини юксалтиришга оид топшириқлар ижросини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшяпти. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар "Агробанк" АТБнинг Чуст филиали томонидан 477 оилага 8,1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани фикримиз тасдиғидир. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида берилган ушбу маблағлар кўпгина оилаларга катта имконият яратиш билан бир қаторда, соҳалар юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, оилаларга тақдим этилаётган кредитлар аниқ мақсадларга йўналтирилган. Яъни хонадонларда тикувчилик, тўқувчилик ишларини йўлга қўйиш, иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари боқиш, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик ва бошқа қатор йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тақдим этилмоқда. Мисол учун, 27 миллион сўм кредит олган Меҳринисо Мираҳимова туяқуш жўжалари харид қилган бўлса, Ҳабибулла Ободов 12 миллион 220 минг сўм эвазига наслли қорамол сотиб олди.

— Мўъжазгина иссиқхонамизда бодринг етиштирардик, — дейди туманнинг Карнон қишлоғида яшовчи Абдулла Мадалиев. — Замонавийсини қуришга эса маблағимиз етмасди. Яқинда банк томонидан берилган қарийб 15 миллион сўм эвазига замонавий иссиқхона барпо этдик. Насиб қилса, май ойининг бошида бодрингни, октябрда эса кўкатларни бозорга чиқарамиз. Шу тариқа бир йилда уч марта ҳосил олишни ният қилганмиз.



Таъкидлаш жоизки, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури каттаю кичикни бирдек ҳаракатга келтирди. Ким билан суҳбатлашманг, бизнес қилиб, нафақат оиласига, балки жамиятга ҳам наф келтириш мақсадида эканини билдиради. Ушбу дастур аҳоли зич яшайдиган Наманган вилоятидаги муҳим масала — бандлик муаммосини ҳал этиш билан бирга, аҳоли даромадини оширишда кенг имконият яратаётгани диққатга сазовордир.

**«Агробанк» АТБ матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


# Гулистонда «Қашқир улиган тунда» спектакли намойиш этилди

*Чимкент шаҳридаги ўзбек драма театри ижодий жамоаси Гулистонда Қозоғистон давлат ва Михаил Шолохов номидаги халқаро мукофот совриндори Собит Дўсановнинг "Қашқир улиган тунда" драмасини ўзбекистонлик томошабинлар эътиборига ҳавола этди.*

Театр

— Ҳаётий воқеа асосида ёзилган мазкур асар қардош ўзбек саҳнасида қўйилганидан беҳад хурсандмиз, — дейди театр директори Икром Ҳошимжонов. — Спектаклдан сўнг узоқ давом этган олқишларни эса ижодий ишимизга берилган катта эътироф, деб қабул қилдик. Дўстлик, қардошлик, ҳар жиҳатдан ўзаро яқинлик туйғуларини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Театрнинг "Ўзбекистонда Қозоғистон йили" доирасида бошлаган гастроль сафари мамлакатимизда давом этмоқда.

Маълумот учун, Чимкент шаҳар ўзбек драма театри 2003 йил 22 октябрда ташкил қилинган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистрант талабалари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича**

**«Эл-юрт умиди» жамғармаси**

**Германиянинг қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасида фаолият юритувчи компанияларида 6 ой муддат давомида стажировка ўташга мўлжалланган дастур учун**

**танлов эълон қилади.**

«Эл-юрт умиди» жамғармаси Германиянинг «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти билан биргаликда Германиянинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ва сайёҳлик фирмаларида стажировка ўташлари учун Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистратура талабалари учун саралаш танлови эълон қилади.

Стажировка дастури мақсади — Германия қишлоқ хўжалиги ва туризми компанияларида амалий тажриба ҳамда илғор билимларни эгаллаган ҳолда, Ўзбекистон олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг профессионал кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

Дастур учун кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси (камида 22 ёш), Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистранти, шунингдек, инглиз ёки немис тилида эркин сўзлаша оладиган бўлиши лозим.

Стажировка дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда Германияда талабаларнинг стажировка ўташлари учун жой ажратаётган компаниялар билан биргаликда молиялаштирилади.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стажировка ўташ учун танланган номзодларнинг йўл харажат (авиатўловлар, аэропортдан стажировка ўташ жойигача бўлган харажат)ларини ўз зиммасига олади. Қолган барча харажат, шу жумладан, ҳар ойлик стипендиялар Германия компаниялари томонидан қопланади.

**Танлов 4 босқичда олиб борилади:**

**1-босқич:** «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти расмий сайтида (https://logoev.de/ru/fachpraktika-ru/bewerbungen-ru.html.) жорий йил 25 апрелидан 20 майга қадар онлайн ҳужжатлар қабул қилинади.

**2-босқич:** жорий йилнинг 25 май санасидан 30 майигача ҳар бир номзод «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва «LOGO» нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларидан иборат Танлов комиссияси томонидан тест синови ҳамда суҳбатдан ўтказилади.

**3-босқич:** 2019 йил июнь ойи ниҳоясида барча имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳужжатлари Германия компанияларига тақдим қилинади.

**4-босқич:** танловнинг якуний натижалари бўйича номзодлар Германия компанияларига жойлаштирилади.

Номзоднинг стажировка дастурида иштирок этиши бўйича сўнгги қарор Германиянинг муайян бир ташкилоти ёки компанияси томонидан чиқарилади. Зарурий ҳолларда номзод ўзи стажировка ўтувчи компания, ташкилот ёки фермер хўжалиги мутасадди вакиллари томонидан Skype орқали суҳбатдан ўтказилиши мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар ва танлов шартлари билан Жамғарма расмий сайти www.eyuf.uz манзилида келтирилган йўриқнома орқали танишишингиз мумкин.**

Қўшимча маълумот учун телефон: 71-203-00-43

347Ј/234

DOOSAN

**«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.**

www.uztow.com



**«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.**




DOOSAN

**Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.**
**Тел.: 71-200-00-27 /28.**
**E-mail: doosansales@uztow.com**

Маҳсулотлар сертификатланган.

# ПРОФНАСТИЛ

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:**

**гальванизацияланган ва полимер қопламали**

**ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**



**гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.**

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

**Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.**

**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**

- 0,4 мм. — **42 600** сўм/п.м.
- 0,5 мм. — **50 400** сўм/п.м.
- 0,45 мм. — **45 600** сўм/п.м.
- 0,7 мм. — **70 200** сўм/п.м.

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — **55 200** сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — **62 400** сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

**Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.**

177R/295

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6786

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.40 2 3 4 5 6